

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019. К/В.37.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ОЛИМЖОНОВ ШУҲРАТЖОН СОЛИХЖОН ЎҒЛИ

**МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИЛГАН *AMARANTHUS* ЎСИМЛИГИ
УРУҒЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ КИМЁВИЙ
ТАРКИБИ ВА УЛАР АСОСИДА БИОЛОГИК ФАОЛ ҚЎШИМЧАЛАР
ЯРАТИШ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по химическим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on chemical sciences**

Олимжонов Шухратжон Солихжон ўғли

Маҳаллийлаштирилган *Amaranthus* ўсимлиги уруғларини қайта ишлаш маҳсулотларининг кимёвий таркиби ва улар асосида биологик фаол қўшимчалар яратиш.....3

Олимжонов Шухратжон Солихжон угли

Химический состав продуктов переработки семян акклиматизированных сортов растения *Amaranthus* и создание на их основе биологически активных добавок..21

Olimjonov Shuhratjon Solixjon o'g'li

Studying the chemical composition of processing products of local *Amaranthus* seeds and creating biologically active additives on their basis.....40

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/В/37.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ОЛИМЖОНОВ ШУҲРАТЖОН СОЛИХЖОН ЎҒЛИ

**МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИЛГАН *AMARANTHUS* ЎСИМЛИГИ
УРУҒЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ МАҲСУЛОТЛАРИНИ КИМЁВИЙ
ТАРКИБИ ВА УЛАР АСОСИДА БИОЛОГИК ФАОЛ ҚЎШИМЧАЛАР
ЯРАТИШ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/K244 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Биоорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.biochem.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Зиявитдинов Жамолитдин Фазлитдинович**
кимё фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар: **Бобоев Бахром Нуриллаевич**
кимё фанлари доктори, кат.и.х.

Раҳманбердыева Раъно Каримовна
кимё фанлари доктори, кат.и.х.

Етакчи ташкилот: **Тошкент фармацевтика институти**

Диссертация ҳимояси Биоорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019. К/В.37.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел.:71-262-35-40, факс: (99871) 262-70-63.

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83.Тел.: 71-262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: shsha@mail.ru).

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ да таркатилди.
(2020 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

Ш.И. Салихов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

Ш.А. Шомуротов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.ф.д.

М.Б. Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда сўнги йилларда биоорганик кимё ва биотехнология фанларининг ривожланиши кўп жихатдан ўсимликларнинг кимёвий таркибларини тадқиқ қилиш, индивидуал моддаларни ажратиб олиш, тузилиши ва биологик фаоллигини аниқлаш ҳамда уларни амалиётга тадбиқ этиш бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Тиббиёт амалиётида қўлланилаётган доривор воситаларининг асосий қисми ўсимликлардан олинади. Чунки, ўсимликлардан ажратиб олинган биологик фаол моддалар, синтетик усулда олинган дори воситаларига нисбатан организм учун зарарли таъсири кам, ўзлаштирилиши осон ҳисобланади. Шунинг учун, ўсимликлардан биологик фаол моддаларни ажратиб олиш, уларнинг тузулиши ва биологик фаоллигини тадқиқ этиш ҳамда улар асосида тиббиёт учун янги самарали дори воситаларини яратиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги кунда дунё бўйича ўртача ҳароратнинг кўтарилиши ва экологик мувозанатнинг бузилиши шароитида Ўзбекистонда ҳам сув танқислиги ва шўрланган экин майдонларининг ортиб бориши кузатилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, стресс шароитларга барқарор, кам сув талаб этадиган ўсимликларни етиштириш ва халқ хўжалигининг турли соҳаларига тадбиқ қилиш зарурлигини кўрсатади. Шундай ноанъанавий ўсимлик турларидан бири *Amaranthus* туркум ўсимликлари ҳисобланади. Ўтган асрнинг 30-йилларига қадар *Amaranthus* туркумига мансуб ўсимликлардан декоратив, озик-овқат ва технологик мақсадларда фойдаланиб келинган. Кейинроқ эса, унинг уруғидан ажратилган ёғнинг таркибида инсон организми учун жуда муҳим бўлган сквален ва токофероллар топилгандан сўнг, ушбу ўсимликка олимлар томонидан бўлган қизиқишлар янада ортиб кетди. Бугунги кунга келиб амарант ўсимлиги уруғларининг таркибида яллиғланиш, гепатит, диабет, гиперлипидемия, пролифератив, замбуруғларга қарши, шунингдек, радиопротектор, сперматогеник фаолликларни намоён қилувчи моддалар топилган.

Республикамизда *Amaranthus* туркум ўсимликларини Марказий Осиё иқлим шароитига мослаштириш, янги навларни етиштириш, уларни қайта ишлаш юзасидан муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон иқлим шароитига маҳаллийлаштирилган амарант ўсимлиги уруғларини қайта ишлаш асосида олинган маҳсулотларни кимёвий таркибини ўрганиш, биологик фаолликлари ва фармакологик хусусиятларини тадқиқ қилиш, уларни халқ хўжалигининг турли соҳаларига тадбиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борадаги ишларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4-йўналишида «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш»¹ юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу ўринда маҳаллий хом ашёлар асосида жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган антибактериал дори

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони

воситаларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги ПҚ-4575-сон “Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорида, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 13 майдаги 282-сон «Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази фаолиятини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги ўсимликлари турларининг Миллий генбанкни яратиш тўғрисида» ги қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирга қадар қатор хорижлик олимлар *Amaranthus* туркум ўсимликларининг кимёвий таркиби, биологик фаолликлари ва фармакологик хусусиятларини аниқлаш бўйича чуқур тадқиқотлар ўтказишган. Жумладан, P.R.Venskutonis ва P.Kraujalis нинг (Каунас Технология университети, Литва) ишларида амарант уруғининг оксиллари: альбуминлар (40%), глобулинлар (20%), глутелинлар (25-30%) ва проламинлардан (2-3%) иборат экани кўрсатилган. A.V.Quiroga (Ла Плата университети, Аргентина) эса амарант уруғида жами 15 та асосий оксил: 11S глобулин, 7S глобулин, α -амилаза ингибитори, трипсин ингибитори, антимикроб оксиллар, носпецифик липид-ўтказувчи-оксил-1, супероксид дисмутаза, *ging*-рух бармоқ оксили, просистемин, амарант альбумин-1, глюкоза-1-фосфат аденилтрансфераза, глюкосилтрансфераза, полиамин оксидаза, гранулага боғланган крахмал синтаза-1 ва ацетолатат синтаза мавжудлигини аниқлаган. Murakami ва ҳаммуаллифлари (Осака шаҳар Соғлиқни сақлаш ва атроф муҳит институти, Япония) хом ва етилган амарант уруғларидаги В гуруҳ витаминларининг миқдорини аниқлаш борасида қатор тадқиқотларни олиб борганлар ва натижада 100 г уруғ таркибида 147 мкг рибофлавин (В₂), 340.15 мкг ниацин (В₃), 1150 мкг пиридоксин (В₆), 47.24 мкг фолий ва пантотен кислоталари борлигини аниқлашган.

Республикамызда амарант ўсимлигининг турли навларини иқлим шароитимизга интродукция қилиш бўйича М.М.Мўминов, амарант ёғларининг липид таркиби тадқиқи юзасидан А.И.Глушенкова ва С.Д.Гусакова кенг қамровли тадқиқотлар олиб борган бўлсалар, С.С.Бозоров ва бошқалар Ўзбекистон иқлим шароитида маҳаллийлаштирилган *Amaranthus hypochondriacus* турига мансуб Харьков ва Лера, *Amaranthus cruentus* турига мансуб Андижон ва Гелиос навлари уруғларида 6.39 дан 7.81% гача ёғ мавжудлиги, унинг 72.72 – 73.28% тўйинмаган ёғ кислоталар эканлиги, 1.17% омега-3-альфа-линолен кислотаси борлиги ҳамда амарант уруғларида 0.35-0.55% атрофида сквален мавжудлиги аниқлашган.

Таъкидлаш лозимки, шу кунгача Республика миқёсида амарант турига

мансуб навларнинг уруғларидан биологик фаол моддаларни ажратиб олиш, уларнинг кимёвий таркибини ўрганиш, биологик фаолликлари ва фармакологик хусусиятларини тадқиқ қилиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Биоорганик кимё институти ва Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг И-2016-5-6/3 “Амарант ўсимлигини комплекс қайта ишлаш асосида чорвачиликда ем-озуқа, фармацевтика ва озиқ-овқат саноати учун мой, ун яратиш технологиясини жорий этиш” (2015-2017 й.й.) мавзусидаги инновацион лойихасида доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллийлаштирилган *Amaranthus* ўсимликлари уруғларидан олинган унларнинг кимёвий таркиби ва фармакологик хусусиятларини аниқлаш, улар асосида функционал озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб-чиқаришда қўлланиладиган янги биологик фаол қўшимчалар яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

амарант унининг кимёвий таркибини (оксил, пептид, озод аминокислоталар, витамин, углевод, полисахарид, макро- ва микроэлементлар) ўрганиш;

амарант унидан металл боғловчи пептидларни ажратиб олиш усулини ишлаб чиқиш, пептидларнинг бирламчи тузилишини тадқиқ қилиш;

амарант унининг биологик ва фармакологик фаоллигини ўрганиш;

амарант уни асосида антигиперлипидемик фаолликка эга бўлган биологик фаол қўшимча олиш.

Тадқиқотнинг объекти *Amaranthus cruentus* Гелиос ва Харьков 1 ҳамда *Amaranthus hypochondriacus* – Лера ва Андижон навли амарант уруғлари, уларнинг унлари, улардан ажратиб олинган оксиллар, углеводлар, витаминлар, макро- ва микроэлементлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Ушбу иқлимлаштирилган амарант уруғи унлари оксиллари, углеводлари, витаминларини ажратиб олиш, уларни сифат ва миқдорий жиҳатдан тадқиқ этиш, макро- ва микроэлементларни аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари: ўсимлик объектларидан биологик фаол моддаларни ажратиш ва таҳлилида қўлланиладиган устунли хроматография, аминокислота таҳлили, юқори самарали суюқлик хроматографияси (ЮССХ), хромато-масс-спектрометрия (LC-MS), оксиллар протеом таҳлили, электрофорез, фаолликни аниқлаш, компьютер графикаси ҳамда фармакологик ва токсикологик усулларидан фойдаланилган.

Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Андижон вилоятида етиштирилган *Amaranthus cruentus* Гелиос ва Харьков 1 ҳамда *Amaranthus hypochondriacus* – Лера ва Андижон навли амарант уруғларидан олинган унларнинг кимёвий таркиби (ёғлилик даражаси, оксил

миқдори, витаминлар, эркин аминокислоталар, углеводлар миқдорлари) аниқланган;

Na-ДДС-электрофорез натижасига кўра, амарант унларининг таркибида молекуляр массалари 8-66 кДа гача бўлган жами 15 та оксил борлиги аниқланиб, LC-MS усулида эса жами 34 та оксил мавжудлиги исботланган;

амарант оксилларининг триптик гидролизати таркибидан рух ионларини боғловчи иккита пептид ажратиб олинди, уларнинг бирламчи тузилиши ва ажратилган пептидлар учун тегишли бўлган оксиллар идентификация қилиниб, SWISS-MODEL таҳлил дастури асосида оксилнинг фазовий тузилиши ва пептидларнинг антирадикал фаолликлари аниқланган;

амарант унидаги алмашинмайдиган эркин аминокислоталарнинг миқдори буғдой унига нисбатан: Lys ва Arg - 5 марта; Ile - 4 марта; Phe, Met, Leu, His, Val - 2 марта ва Trp - 1.5 марта кўп эканлиги, амарант уни таркибидаги B1, B2, B3, B6, B9, C, PP витаминлари миқдори аниқланган;

амарант унининг антигиперлипидемик ва антиоксидант фаолликлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллийлаштирилган *Amaranthus* ўсимликлари уруғларидан олинган унлар асосида янги биологик фаол қўшимчани (БФҚ) олиш усули ишлаб чиқилган;

“SIFAT AGRO SERVIS” МЧЖ билан ҳамкорликда амарант унидан “БИО ДАРМОН” номли БФҚни капсула шаклида ишлаб чиқариш технологияси яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўрганилган бирикмаларни ажратиш, тузилиши ва функцияларини аниқлашда замонавий физик-кимёвий усуллари - ЮССХ, хромато-масс-спектрометрия ва электрофорез қўлланилганлиги, олинган натижаларнинг Республика ва халқаро анжуманлардаги муҳокамаси, мутахассисларнинг эксперт хулосаси, натижаларнинг даврий илмий нашрларда чоп этилиши билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, табиий хом-ашё компонентлари таркибидан физиологик фаол моддаларни нафақат натив ҳолатда, балки биологик фаолликка эга бўлган фрагментлар кўринишида ажратиб олиш ва бу фрагментлар асосида бошланғич тузилишни аниқлаш имконияти кўрсатилган. *Amaranthus cruentus* ва *Amaranthus hypochondriacus* уруғларининг кимёвий таркибини (ёғлилик даражаси, оксил, витаминлар, эркин аминокислоталар, углеводлар миқдорлари) ўрганиш жараёнида таҳлил услубиётлари ва металл боғловчи пептидларни олиш усуллари такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, амарант ўсимлиги уруғларининг кимёвий таркиби ва гиперлипидемик таъсирини аниқлашдан олинган натижалар “БИО ДАРМОН” номли БФҚни ишлаб чиқариш жараёнида илмий-амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Амарант уруғларидан

олинган унларнинг кимёвий таркиби, биологик ва фармакологик хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

маҳаллийлаштирилган *Amaranthus* ўсимликлари уруғларидан олинган унлар асосида янги биологик фаол кўшимча олиш усулидан “SIFAT AGRO SERVIS” МЧЖда амарант ўсимлиги Helios нави уруғидан биологик фаол кўшимча олишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг маълумотномаси). Натижада, “БИО ДАРМОН” биологик фаол кўшимчасини ишлаб чиқариш имконини берган;

амарант унидан биологик фаол оксилларни ажратиб олиш усулидан Хитой Фанлар академиясининг Шинжон физик-кимёвий техника институтида бажарилаётган “International Science and Technology Center Projects” лойиҳасида турли хил ўсимлик уруғларидан биологик фаол оксилларни ажратиб олиш жараёнида фойдаланилган (Хитой Фанлар академиясининг Шинжон физик-кимёвий техника институтининг маълумотномаси). Натижада, ушбу услуб *Amaranthus stuventus* уруғидан биологик фаол оксил ва пептидлар олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси Республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш асослари келтирилган, нашр қилинган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган, нашр қилинган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг “**Амарант ўсимлигининг тарқалиши, унинг ўсиши ва хосилдорлигига турли омиллар таъсири, уруғининг кимёвий таркиби тадқиқи**” (адабиётлар шарҳи) деб номланган биринчи бобида амарант турлари уруғларидаги оксил, ёғ, углевод, витамин, макро- ва микроэлемент микдорлари, аминокислоталар таркиби, оксилларнинг бирламчи тузилишлари ҳамда уларнинг биологик фаолликларига доир замонавий тадқиқот натижалари батафсил таҳлил қилинган.

Диссертациянинг “Амарант уруғи уни кимёвий таркибини аниқлаш ва улар асосида биологик фаол кўшимча яратиш” деб номланган иккинчи бобида амарант, буғдой ва маккажўхори унларининг оксил миқдори, аминокислоталар таркиби, витамин, углевод, полисахарид, макро- ва микроэлементлар таркиблари аниқланган, амарант унидан металл боғловчи пептидларни ажратиб олиш, пептидларнинг бирламчи тузилишини аниқлаш, биологик ва фармакологик фаоллигини аниқлашга оид олиб борилган тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Амарант донлари ўз таркибида гепатопротектор, радиопротектор, яллиғланишга қарши, антигепатотоксик, антидиабетик, антигиперлипидемик, сперматогеник, антипролифератив ҳамда замбуруғларга қарши фаолликларни намоён қилувчи моддаларга бой эканлигини инобатга олиб, Андижон давлат университети ходимлари томонидан Ўзбекистон иқлим шароитига мослаштирилган *Amaranthus cruentus* (Андижон ва Гелиос навлари) ва *Amaranthus hypochondriacus* (Харьков ва Лера навлари) турларига тааллуқли 2 тадан навларининг кимёвий таркибларини ўрганилди. Тадқиқотларда ўсимликларнинг уруғлари ва ушбу уруғлардан совуқ сиқиш усулида ёғ ажратишдан сўнг қолган унлардан фойдаланилди.

Буғдой, маккажўхори, 4 хил навдаги амарант уруғлари ва уруғлардан олинган унларни Сокслет аппаратида экстракцион бензин ёрдамида ёғсизлантирилди. Ёғсизлантирилган унлардаги оксил миқдори Къельдал ва Лоури усулларида аниқланди. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Амарант, буғдой ва маккажўхори донларининг ёғдорлиги ва оксил миқдори
($M \pm n$, $n=3$)

Донлар	Ёғдорлик		Оксил	
	Бошланғич	Қолдиқ	Къельдал	Лоури
	Микдор, %			
Харьков	7.81±0.17	4.05±0.15	17.33±0.5	4.76±0.2
Лера	7.55±0.23	3.65±0.17	17.5±0.3	4.78±0.5
Андижон	6.39±0.06	3.68±0.08	15.75±0.7	5.1±0.25
Гелиос	7.68±0.16	4.19±0.18	17.06±0.6	5.0±0.1
Буғдой	4.3±0.16	1.25±0.2	10.5±0.5	3.75±0.2
Маккажўхори	9.8±0.16	2.2±0.17	8.8±0.6	2.89±0.1

Натижада амарант донларининг ёғдорлиги уларнинг бошланғич массасига нисбатан 6.39-7.81% ни, буғдойда 4.3%, маккажўхорида 9.8% ни ташкил этиши аниқланди. Амарант унларидаги қолдиқ ёғ миқдори 3.6-4.19% эканлиги аниқланиб, Гелиос нави унининг қолдиқ ёғдорлиги (4.19%) буғдой (1.25%) ва маккажўхори (2.2%) унларига нисбатан мос равишда 3.4 ва 1.9 марта юқори эканлиги кўрсатилди (1-жадвал).

Амарант унларида умумий оксил миқдори бошланғич ун оғирлигига нисбатан 15.75-17.5% ни ташкил этиши, Лера нави унидаги умумий оксил миқдори (17.5%) эса буғдойдагига (10.5%) нисбатан 1.7 марта, маккажўхоридагига (8.8%) нисбатан эса 2 марта юқори эканлиги аниқланди.

Лоури усули бўйича аниқланган эрувчан оксилнинг миқдори амарант

унларида 4.76 – 5.1% ораликда бўлиб, Андижон нави унидагига (5.1%) нисбатан буғдой унида (3.75%) 1.4 марта, маккажўхори унида (2.98%) эса 1.7 марта кам эканлиги аниқланди.

Амарант унлари оксилларнинг молекуляр оғирлиги денатурловчи шароитда 12% ПААГ да электрофорез усулида аниқланди (1 -расм).



1-расм. Амарант унларининг 12% ПААГ электрофореограммаси.


1 – Овальбумин, 2,7 – Андижон, 3,8 – Гелиос, 4,9 – Харьков, 5,10 – Лера
6 – Маркер оксиллар, 11 – Бука альбумини

Электрофорез натижаларига кўра амарант унларида молекуляр массалари 8 кДа дан 66 кДа бўлгана 15 та оксил доғлари аниқланди. Амарант уни таркибидаги оксилларни идентификация қилиш мақсадида уни трипсин ферменти ёрдамида гидролиз қилинди. Гидролизатни 0,1% учфтор сирка кислотата эритиб, СНР-Q-ТОF LC/MS/MS масс-спектрометри ёрдамида таҳлил қилинди, фрагментар пептидларнинг MS ва MS/MS спектрлари олинди.

Mass Huntre дастури ёрдамида пептидларнинг молекуляр массалари, Spectrum Mill дастури ёрдамида эса уларнинг аминокислота кетма-кетликлари аниқланди ва дастур базасида мавжуд бўлган оксиллар масс-спектрлари билан солиштириб ўрганилди. Натижада жами 128 та фрагментар пептидларнинг бирламчи тузилишлари аниқланиб, пептидларнинг аниқланган бирламчи тузилишлари BLAST онлайн дастурида таҳлил қилинди. Олинган натижалардан аниқланган фрагментар пептидлар ўсимликларда учрайдиган 34 та оксилларнинг тузилишига тегишли эканлиги аниқланиб, улардан шу кунгача адабиётларда амарант таркибида маълум бўлганлари қуйидагилардан иборат: 11S глобулин, 7S глобулин, α -амилаза ингибитори, трипсин ингибитори, антимиқроб оксиллар, носпецифик липид-ўтказувчи-оксил-1, дисмутаза супероксиди, рух боғловчи оксил, просистемин, амарант альбумин 1, глюкоза-1-фосфат аденилтрансфераза, глюкозилтрансфераза, полиамин оксидаза, гранулага боғланган крахмал синтетазаси 2 ва ацетолатат синтазаси.

Маълумки, оғир металлларнинг бири бўлган рух организмда муҳим вазифаларни бажаришига қарамай, ҳужайраларда унинг микдорини ортиши захарланишга олиб келади. Металллардан захарланишни даволаш усулларида бири хелатли терапия ҳисобланиб, унда организмдан металлларни чиқариш учун унга металл боғловчи бирикмалар киритилади. Металл боғловчи оксил ва пептидларни ажратиш махсус синтез қилинган хелат сорбентларда амалга оширилади. Биз тадқиқотларимизда хелат сорбентлар синтезини амалга оширишни четлаш учун, KM-TSK 650 сорбентидан фойдаландик. Бунинг учун KM-TSK 650 сорбенти Zn^{+} -KM-TSK 650 шаклда фаоллаштирилди ва ундан амарант уни таркибидаги рух боғловчи оксилнинг рух боғловчи фрагментар пептидини ажратиш олишда хелат сорбент сифатида фойдаланилди. Бунинг учун сорбентни 0,05 M Na_2HPO_4 (pH-6.2) буфери билан мувозанатга келтирилиб, шу

буферда эритилган 200 мг амарант оксиллари триптик гидролизати сорбентга сорбция қилинди. Сорбент билан боғланмаган пептидлар бошланғич буфер билан ювилди, сорбент билан боғланган пептидлар шу буфердаги NaCl нинг 0.3 М ва 0.6 М концентрацияли босқичли градиентда элюцияланди (2-расм).



Натижада NaCl нинг 0.3 М ва 0.6 М концентрацияли босқичли градиентда 3 та фракция олинди. Рух боғловчи пептидлар Силохром 80 С18 сорбентли колонкада тузсизлантирилди. Олинган фракциялар роторли буғлатгичда концентрланди ва лиофилл курутгичда курилди. Унуми Z-1 0.8 мг, Z-2 0.85 мг ва Z-3 0.75 мг ни ташкил қилди.

2-расм. Триптик гидролизатнинг металл хелат хроматографияси

Ажратиб олинган рух боғловчи пептидларнинг молекуляр оғирликлари ва бирламчи тузилиши CHIP-Q-TOF LC/MS/MS масс-спектрометри ёрдамида таҳлил қилинди (2-жадвал).


2 – жадвал

Пептидларнинг аминокислота кетма-кетликлари ва молекуляр оғирликлари


№	Аминокислоталар кетма-кетлиги	ММ (Да)	Оқсилнинг номи
Z-1	(K)EITEVAHRVFDAAVAKEYGATR(K)	2433,2	Дисмутаза супероксиди
Z-2	(K)FGIVEGLMTTVHSITATQK(T)	2033,0	LOV доменини тутган оқсил
Z-3	(R)VPELVYACDDSRVGAFSR(E)	1983,9	Рух боғловчи домен тутган оқсил

Бир қатор адабиётларда оқсилларнинг учламчи тузилиши SWISS-MODEL таҳлил дастури асосида аниқланган ва 3D моделлар яратилган. Биз ҳам LOV доменини тутган оқсил ва рух боғловчи домен тутган оқсилларининг NCBI базасидан олинган бирламчи тузилишларини SWISS-MODEL таҳлил дастурига киритиб, 3а, в-расмларда келтирилган учламчи тузилишга (3D) эга бўлдик. 3а ва 3в расмларда келтирилган SWISS-MODEL таҳлил дастури асосида аниқланган рух боғловчи домен тутган оқсилларнинг 3D моделларидан кўриниб турибдики, улар глобуляр тузилишга эга. Ажратиб олинган ва тузилиши аниқланган пептидлар глобуланинг ташқарисида жойлашган бўлиб, фазовий тузилиши жихатидан бармоқ шаклини эслатади (қизил рангдаги фрагмент).


Z-1, Z-2 ва Z-3 пептидларнинг антирадикал фаоллиги (АРФ) 2,2-дифенил-1-пикрилгидразил (ДФПГ) молекуласидаги барқарор эркин радикалларнинг тикланиш кинетикасини ўлчашга асосланган усулда аниқланди (4-расм).



3а-расм. LOV доменини тутган оксил (оксил таркибида Z-2-пептидининг фазовий тузилиши кизил рангда кўрсатилган)



3в-расм. Рух боғловчи домен тутган оксил (оксил таркибида Z-3-пептидининг фазовий тузилиши кизил рангда кўрсатилган)



4-расм. Z-1, Z-2 ва Z-3 пептидларнинг антирадикал фаоллиги кинетикаси. ДФПГ концентрацияси 0.1 мМ. Реакция учун олинган пептидлар миқдори 50 мкг. Оптик зичликни ўлчаш ишлари 20°C да, пептидлар кўшилган ондан бошлаб олиб борилган.

АРФни миқдорий баҳолаш учун ДФПГ молекуласидаги барқарор радикаллар миқдорини 50% га камайтириш учун кетган вақтдан (t_{50}) фойдаланилди. Олинган натижалардан реакциянинг t_{50} қиймати Z-1 учун 900 сек, Z-2 учун – 100 сек ва Z-3 учун 10 сек ни ташкил этиши, Z-3 пептидининг фаоллиги Z-1 ва Z-2 дан анча юқори эканлиги аниқланди (4-расм).

Амарант уруғлари унининг эркин ва оксиллар таркибидаги аминокислоталари Кохен усулида бугдой ва маккажўхори унларига солиштирган ҳолда, аминокислоталарнинг фенилтиокарбамоил ҳосилалари кўринишида ЮССХ ёрдамида аниқланди (3- ва 4-жадвал)

3-жадвал

Амарант уруғларининг эркин аминокислоталар таркиби (RSD $\leq 3\%$)

Аминокислоталар	Унлар					
	<i>A. hypochondriacus</i>		<i>A. cruentus</i>		Жўхори	Бугдой
	Харьков	Лера	Андижон	Гелиос		
Миқдор, мг/г						
Алмашинадиган аминокислоталар						
1. Аспаргин к-та	0.33	0.49	0.33	0.46	0.25	0.10
2. Глутамин к-та	0.62	0.61	0.20	0.64	0.26	0.12
3. Серин	0.13	0.07	0.05	0.13	0.06	0.01
4. Глицин	0.01	0.08	0.06	0.08	0.15	0.03
5. Аспарагин	0.02	0.08	0.06	0.08	0.15	0.04
6. Глутамин	0.31	0.41	0.10	0.15	0.06	0.06
7. Цистеин	0.03	0.02	0.02	0.03	0.04	0.04
8. Аланин	0.16	0.10	0.09	0.16	0.27	0.18

9.Пролин	0.04	0.04	0.04	0.14	0.56	0.09
10.Тирозин	0.09	0.10	0.05	0.13	0.08	0.06
Сумма	1.74	2.0	1.8	2.0	1.88	0.73
Алмашинмайдиган аминокислоталар						
11.Треонин	0.05	0.04	0.03	0.06	0.21	0.06
12.Аргенин	0.06	0.07	0.07	0.30	0.09	0.06
13.Валин	0.08	0.09	0.06	0.08	0.05	0.03
14.Метионин	0.04	0.05	0.03	0.06	0.02	0.03
14.Изолейцин	0.09	0.09	0.08	0.12	0.03	0.03
16.Лейцин	0.09	0.09	0.09	0.14	0.07	0.06
17.Гистидин	0.18	0.19	0.17	0.10	0.09	0.05
18.Триптофан	0.07	0.08	0.05	0.12	0.05	0.08
19.Фенилаланин	0.04	0.05	0.04	0.13	0.03	0.06
20.Лизин	0.06	0.09	0.04	0.15	0.16	0.03
Сумма	0.76	0.84	0.66	1.26	0.8	0.49
Жами	2.50	2.84	2.46	3.26	2.68	1.22

Гелиос унида аспарагин ва глутамин кислоталарининг миқдори маккажўхори унига нисбатан мос равишда 1.84 ва 2.46 марта, буғдой унига нисбатан эса 4.6 ва 5.33 марта, глутамин 2.5, серин 2 ва 13 (тегишли равишда), глицин ва аспарагин буғдой унига нисбатан 2 марта юқори, маккажўхори унидагига нисбатан эса 2 марта кам эканлиги аниқланди (3-жадвал).

Алмашинмайдиган аминокислоталар миқдори бўйича амарант унида буғдой унига нисбатан 5 марта кўп лизин ва аргенин, 4 марта изолейцин, 2 марта фенилаланин, метионин, лейцин, гистидин ва валин ҳамда 1.5 марта кўп триптофан мавжудлиги аниқланди. Амарант ва маккажўхори унларида лизин ва триптофан миқдорлари ўртасида кескин фарқлар кузатилмаган бўлса, треонин миқдори жўхори унида 3.5 марта кўплиги аниқланди. Қолган алмашинмайдиган аминокислоталар миқдори амарант унида маккажўхори унидагига нисбатан 1.5 дан 4 мартагача юқори эканлиги кўрсатилди (3-жадвал).

4- жадвал

Амарант уруғлари оксилларининг аминокислота таркиби (RSD ≤3%)

	Аминокислоталар	Унлар					
		<i>A. hypochondriacus</i>		<i>A. cruentus</i>		Буғдой	Жўхори
		Харьков	Лера	Андижон	Гелиос		
Микдор, (%)							
Алмашинмайдиган аминокислоталар							
1.	Аспарагин/аспаргин к-та	7,32	7,90	7,34	7,60	3,80	4,07
2.	Глутамин/глутамин к-та	19,41	20,55	16,63	15,79	24,79	17,39
3.	Серин	3,43	3,51	3,25	3,88	3,04	3,38
4.	Глицин	4,02	4,26	4,06	4,21	2,91	12,17
5.	Цистеин	1,89	1,56	2,33	2,61	4,97	2,84
6.	Аланин	3,55	4,00	1,70	3,77	1,84	3,57
7.	Пролин	2,84	3,11	3,16	3,13	7,18	2,71
8.	Тирозин	3,95	3,47	6,22	6,28	2,29	2,66

Сумма		46,41	48,36	44,69	47,27	50.82	48.79
Алмашинмайдиған аминокислоталар							
9.	Треонин	6,37	5,62	3,49	4,61	1,80	1,90
10.	Аргинин	4,87	5,97	4,13	4,87	4,05	9,89
11.	Валин	3,64	3,81	5,60	5,87	4,15	3,27
12.	Метионин	2,22	1,74	1,82	1,40	3,36	3,03
13.	Изолейцин	5,17	5,08	5,79	5,80	4,32	4,61
14.	Лейцин	5,57	5,49	6,39	6,59	6,19	6,83
15.	Гистидин	3,72	4,07	5,53	7,74	2,59	2,11
16.	Фенилаланин	15.71	13,20	15,70	8,61	2,76	1,85
17.	Лизин HCl	5,11	4,90	5,56	6,00	1,24	5,41
18.	Триптофан (Фотометрик усулда)	1.22	1.25	1.27	1.22	1.52	1.71
Сумма		53.59	51.62	55.27	52.72	31.98	40.61
Жами		100,00	99,98	99,96	99,99	82.80	89.4


Тадқиқ қилинган амарант унларининг алмашинадиган аминокислоталари орасида глутамин ва глутамин кислотанинг миқдори 15.79-20.55% ташкил этиб, қолган алмашинадиган аминокислоталар миқдорида сезиларли фарқлар кузатилмади (4-жадвал). Алмашинмайдиған аминокислоталардан фенилаланиннинг миқдори энг юқори бўлиб, ўртача 13.3% ни ташкил қилди.

Гелиос нави уни таркибида аспарагин ва аспаргин кислотанинг умумий миқдори маккажўхори ва буғдой унига нисбатан тегишли равишда 1.9 ва 2 марта кўп бўлса, глутамин ва глутамин кислоталарининг миқдори эса 1.1 ва 1.6 марта камлиги аниқланди. Маккажўхори унида цистеин миқдори буғдой ва амарантдагидан 2 марта, глицин эса мос равишда 5 ва 3 марта юқори эканлиги, тирозин эса амарантда буғдой ва маккажўхоридагига қараганда 3 марта юқори эканлиги аниқланди.

Оқсил таркибидаги алмашинмайдиған аминокислоталарнинг умумий миқдори амарант унида (52.72%) буғдой (31.98%) ва маккажўхори (40.61%) унларидагига нисбатан тегишли равишда 1.65 ва 1.3 марта кўп бўлиб, бунда валин, изолейцин, лейцин ва триптофан миқдорларида айтарли фарқлар кузатилмади. Треонин миқдори буғдой ва маккажўхори унларидагига нисбатан мос равишда 2.65 ва 2.4, валин - 1.41 ва 1.74, гистидин - 3 ва 3.67, фенилаланин - 3.12 ва 4.65, лизин - 4.8 ва 1.11 марта кўплиги, метионин эса мос равишда 2.4 ва 2.16 марта камлиги аниқланди. Аргинин миқдори буғдойдагига нисбатан 1.2 марта кўп бўлса, маккажўхоридагига нисбатан 2.02 марта камлиги кўрсатилди.

Амарант, буғдой ва маккажўхори унларидаги В₁, В₂, В₃, В₆, В₉, РР ва С витаминларини миқдорлари ЮССХ ёрдамида аниқланди. Миқдорий таҳлилда фойдаланиш учун “Sigma” фирмасининг стандарт В₁ (кат.№ 59438), В₂ (кат.№ 83885), В₃ (кат.№ 59676), В₆ (кат.№ 58560), В₉ (кат.№ 59303), РР (кат.№ 98920) ва С (кат.№ 50817) витаминларидан фойдаланилди (5-расм). Хроматографик жараённи ва колонкани калибрлаш натижасида С (3.27 дак.), В₁ (3.75 дак.), В₂ (4.56 дак.), В₉ (5.85 дак.), В₃ (7 дак.), В₆ (8.8 дак.) ва РР витамини (10.2 дак.) колонкадан чиқиш вақтлари ҳамда калибрлаш эгриларининг Тренд тенгламалари

мос равишда $Y_C=5177,2*x$, $Y_{B_1}=3971.1*x-44.57$, $Y_{B_2}=4771.1*x$, $Y_{B_9}=3886.3*x$, $Y_{B_3}=2851.1*x-54.75$, $Y_{B_6}=11811x$, $Y_{PP}=3340,3x$ эканлиги аниқланди.



4-расм. Стандарт витаминлар аралашмасининг хроматограммаси.
1. Аскорбин кислотаси -С, 2. Тиамин – В₁, 3. Рибофловин – В₂, 4. Фолий кислота –В₉, 5. Никотинамид – В₃, 6. Пиридоксин – В₆, 7. Витамин РР.

Ҳар бир намунадаги витаминлар стандарт витаминларнинг колонкадан чиқиш вақтларига солиштирилган ҳолда идентификация қилинди, миқдорлари эса хроматограммалардаги витаминлар учун тааллуқли чўққи майдонларини Тренд тенгламаларига қўйган ҳолда ҳисобланди (5-жадвал). Ўрганилган навлар ичида Лера уруғларида витаминлар миқдори нисбатан юқорилигини кўриш мумкин. Катта фарқланиш С витамини миқдорида кузатилди: Лера навида унинг миқдори 1.1 мг/100 г ни ташкил этган бўлса, Харьков навида 0,6 мг/100 г ни, Андижон навида 0.3 мг/100 г ва Гелиос навида 0,2 мг/100 г ни ташкил этди. В гуруҳ витаминлари - В₃, В₂, В₉, В₆, В₁ ва РР витамини миқдорида катта фарқ кузатилмади.


5-жадвал

Амарант уруғларининг сувда эрувчан витаминлари миқдори ($M \pm n$, $n=3$)

Амарант навлари	В ₁	В ₃	В ₂	В ₉	В ₆	С	РР
	Миқдори (мкг/100г)						
Харьков	93± 2	35±4	2± 0,3	8.5± 0.2	190±3	600±1	1140±1
Лера	114±5	38±7	7±0,2	9.1±0,1	210±2	1100±3	1290±5
Андижон	82±3	33± 1.3	6±0,3	6.5±0,1	120±2	300± 1	1110±1
Гелиос	81±3	33±4	6± 0.3	6.8±0,1	140± 3	200± 1	1120± 1
Буғдой	170	-	40	27.1	170	500	3000
Маккажўхори	350	-	130	30	182	800	3000

Шунингдек, амарант унида В₁, В₂, В₉ ва РР витаминларининг миқдори маккажўхори ва буғдой унларига нисбатан камлигини ва аксинча, амарант унларида маккажўхори ва буғдой унларда мавжуд бўлмаган никотинамид (В₃) аниқланган бўлса, В₆ ва С витаминларининг миқдори Харьков ва Лера навларида юқори эканлиги аниқланди.

Тадқиқ қилинаётган амарант, буғдой ва маккажўхори унларининг углевод таркиблари Agilent Technologies компаниясининг рефрактометр детекторли 1200 серияли ЮССХда амалга оширилди (6-расм). Хроматографик жараёнда колонкани стандарт намуналар билан калибрлаш натижасида фруктоза (4.2±0.2 дак.), глюкоза (5.0±0.2 дак.), сахароза (8.8±0.2 дак.) ва мальтозанинг (10.2±0.2 дак.) (6-расм) колонкадан чиқиш вақтлари ҳамда калибрлаш эгрисининг Тренд тенгламалари аниқланди (фруктоза $Y=8*10^6x$, глюкоза $Y=9*10^6x$, сахароза $Y=8*10^6x$, мальтоза $Y=5*10^6x$). Олинган натижалар 6-жадвалда келтирилган.



6-расм. Углеводлар хроматограммаси. Колонка Supelcosil LC-NH₂, 5mkm, 4.6x250 mm. Мобил фаза: ацетонитрил ва сув 80:20 (ҳажм/ҳажм). Оқим тезлиги 1.2 мл/дақиқа. Колонка ҳамда детектордаги ҳарорат 35⁰С. Стандарт углеводлар “Sigma” 1. Глюкоза (кат.№ 50997), 2. Фруктоза (кат.№ 57487), 3. Сахароза (кат.№ 57501), 4. Мальтоза (кат.№6363537)

6-жадвал

Амарант, буғдой ва маккажўхори унларининг углевод таркиби, (M±m, n=5)

Углеводлар	Унлар					
	<i>A. hypochondriacus</i>		<i>A. cruentus</i>		Буғдой	Жўхори
	Харьков	Лера	Андижон	Гелиос		
	Микдор, (%)					
Фруктоза	0.41±0.08	0.39±0.05	0.38±0.04	0.46±0.02	0.01±0.0002	0.31±0.01
Глюкоза	5.24±0.1	5.03±0.16	4.98±0.2	5.22±0.14	0.04±0.0003	0.40±0.02
Сахароза	0.23±0.12	0.21±0.11	0.22±0.14	0.22±0.15	0.12±0.006	1.41±0.11
Мальтоза	0.36±0.02	0.41±0.06	0.32±0.03	0.30±0.01	0.95±0.03	0.79±0.03
Жами	6.24±0.08	6.04±0.10	5.90±0.06	6.20±0.32	1.12±0.0365	2.91±0.17

Барча амарант унларида углеводларнинг умумий миқдори 5.9–6.24% ни ташкил қилди. Гелиос унидаги фруктоза миқдори буғдой унидагига нисбатан 46 марта, маккажўхорида нисбатан эса 1.5 марта кўп бўлса, глюкозанинг миқдори буғдой унидагига нисбатан 130 марта, маккажўхорида нисбатан эса 13 марта кўплиги кўрсатилди. Сахароза миқдори буғдой унида амарантаникидан 1.8 марта кам бўлса, маккажўхори унидаги сахароза миқдори буғдойдагидан 12, амарантдагидан 6.5 марта кўплиги аниқланди. Мальтоза миқдори амарант унида энг кам бўлиб, буғдойдагидан 3.1 марта, маккажўхоридагига нисбатан эса 2.6 мартага фарқланиши кузатилди. Олинган натижалардан амарант уни углеводларга бой бўлиши билан бир қаторда, унинг таркибида буғдой ва маккажўхорида нисбатан сахароза ва мальтозанинг миқдорини камлиги аниқланиб, унинг диабет касалликлари билан оғриган беморлар учун озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш учун ажойиб хом-ашё эканлигини кўрсатилди.

Тадқиқ қилинаётган амарант, буғдой ва маккажўхори унларининг полисахарид таркиблари M.Dubois усулида спектрофотометрик равишда аниқланди. Олинган натижалардан амарант унларида сувда эрийдиган полисахаридлар миқдори уннинг бошланғич оғирлигига нисбатан 22-25%, пектинлар 22-26%, ишқорда эрувчи полисахаридлар 5-11% ни ташкил этиб, маккажўхори унининг полисахарид таркибидан деярли фарқ қилмади. Сувда эрийдиган полисахаридлар ва пектин миқдори амарант унида буғдой унига нисбатан мос равишда 3.18 ва 1.63% кўп бўлса, ишқорда эрувчи полисахаридлар миқдори 10.09% кам бўлиб, бу ўз навбатида полисахаридларнинг умумий миқдорига таъсир кўрсатди (мос равишда 56.72 ва 62.0%).

Тадқиқ қилинаётган намуналарнинг макро- ва микроэлементлари миқдорий жиҳатдан ISP MC NEXION-2000 (Perkin Elmer АҚШ) қурилмаси

ёрдамида, анионларнинг идентификацияси Cl^- , SO_4^{2-} , NO_3^- ва PO_4^{3-} ионларига нисбатан сифат реакциялари, микдорлари эса титрлаш орқали аниқланди.

Олинган натижалардан амарант, буғдой ва маккажўхори унларида жами 36 та макро- ва микроэлемент аниқланди. Амарант уруғларидан олинган барча унларда элементларнинг микдорлари деярли фарқланмади ва умумий микдор 14819.8 дан 15671.1 мкг/кг ни ташкил қилди. Буғдой унида умумий нутриентлар микдори (33126.7 мкг/кг) амарант унларидагига нисбатан 2.11 марта, маккажўхори унидагига (20456.2 мкг/кг) нисбатан 1.62 марта юқори эканлиги аниқланди. Бунда асосан макроэлементларнинг (Ca, K, Mg, Na, Si, Al ва Fe) микдорларида катта фарқлар кузатилди.

Бундан ташқари унлардаги макро- ва микроэлементларнинг тузларини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида, улар асосан хлорид ва сульфат тузларидан иборат эканлиги аниқланди. Нитратлар ва фосфатларнинг микдорлари жуда кам бўлиб, 1 кг унда мкг ларни ташкил қилди. Хлор ионларининг микдори амарант унларида 36.2-44 г/кг ташкил қилган бўлса, буғдой унида 48 г/кг, маккажўхори унида эса 53.4 г/кг тенг бўлди. Сульфат ионларининг микдори амарант унида 2.4-4.8 г/кг бўлса, буғдой унида 1.86 г/кг, маккажўхори унида эса 2 г/кг микдорларида аниқланди.

Тадқиқ этилаётган амарант навлари орасида энг ҳосилдори *Amaranthus cruentus* Гелиос-“Марҳамат” нави бўлганлиги учун фармако-токсикологик тадқиқотларни айнан шу навнинг уруғларидан олинган ун билан олиб борилди.

Тадқиқотлар тана вазни 250-300 г бўлган 50 та эркак оқ каламушларида олиб борилди. Ҳайвонлар 10 тадан 5 та гуруҳ – интакт, назорат ва 3 та тажриба гуруҳларига бўлинди. Тажрибалар твин моделида ўтказилиб, гиперлипидемия 2-5 гуруҳ ҳайвонларига 200 мг/кг дозада Tween-80ни бир марта қорин бўшлиғига юбориш орқали ҳосил қилинди. Амарант унининг гиполлипидемик хусусиятлари буғдой ва маккажўхори унларига қиёсланиб ўрганилди. 2-5 гуруҳ ҳайвонларига детергент юборилганидан 5 кун ўтказиб текширилаётган унларнинг сувли суспензиясидан 200 мг/кг дозада оғиз орқали кунига 1 марта юборилди.

7-жадвал

Экспериментал гиперлипидемия ҳолатида каламушлар қонидаги липид профили кўрсаткичлари ($M \pm m$, $n=10$)

Гуруҳлар	Унлар	УХ	ТГ	ЮЗЛП	ЖПЗЛП	ПЗЛП	АК
		Микдор (мг/дл)					
1 интакт		52.0±0.3	60.0±0.6	31.0±0.2	11±0.1	12±0.09	0.793±0.02
2 назорат	Гиперлипидемия + сув	87.5±0.5 +68%#	106±0.8 +77%#	16.0±0.1 -48%#	21.2±1.5 +93%#	31.5±2.3 +162%#	4.47±0.30 ≥ 5.6 марта
3	Амарант	65.0±0.4 -26%*	92.0±0.6 -13%*	20.0±1.15 +25%*	18.4±1.3 -13%*	14.9±1.1 -53%*	2.25±0.10 ≤ 1.9*
4	Буғдой	78.0±0.5 -11%*	91.0±0.6 -14%*	19.5±1.2 +22%*	19.0±1.3 -10%*	17.0±1.4 -46%*	3.0±0.10 ≤ 1.5*
5	Маккажўхори	75.0±0.5 -14%*	102.0±0.9 -3,8*	20.0±1.2 +25%*	20.0±1.4 -7%*	16.2±1.4 -49%*	2.75±0.10 ≤ 1.6*

* – назоратга нисбатан ишончли ($p < 0.001$); # – интакт гуруҳга нисбатан ишончли ($p < 0.001$)

Қондаги липид профилининг умумий холестерин (УХ), триглицеридлар (ТГ), паст зичликдаги липопротеин (ПЗЛП), жуда паст зичликдаги

липопротеинлар (ЖПЗЛП), юкори зичликдаги липопротеинлар (ЮЗЛП), атерогенлик коэффиценти (АК) каби кўрсаткичлари ўрганилди (7-жадвал).

Олинган натижалардан интакт гуруҳи каламушларидагига нисбатан гиперлипидемиянинг твин моделидаги назорат гуруҳи каламушларида бир қатор патологик ўзгаришлар мавжудлиги аниқланди. Хусусан, УХ миқдори 68% га, ТГ 77% га, ЖПЗЛП 93% га, ПЗЛП 162% га, АК 5.6 марта ортган бўлса, ЮЗЛП миқдори 48% га камайганлиги аниқланди.

Амарант уни таъсирида УХ миқдори 26% га пасайди, буғдой ва маккажўхори унлари киритилганда бу кўрсаткич мос равишда 11 ва 14 % ташкил этди.

ТГ миқдорининг пасайиши маккажўхори унида 3.8%, амарант ва буғдой унларида эса мос равишда 13 ва 14% ни ташкил қилди. Амарант, буғдой ва маккажўхори унларининг қўлланилиши назорат гуруҳига нисбатан ЮЗЛП миқдорининг мос равишда 25, 22 ва 25% ортишига олиб келди. Буғдой ва маккажўхори унларининг қўлланилиши ПЗЛП миқдорини назорат гуруҳига нисбатан 46 ва 49% га пасайтирган бўлса, амарант уни ПЗЛП ни 53% га камайтирди. Амарант уни таъсирида назорат гуруҳига нисбатан ЖПЗЛП миқдори 13%, буғдой ва маккажўхори уни таъсирида мос равишда 10 ва 7% камайиши кўрсатилди. АК пасайиши амарант уни қўлланилганида 2.25, буғдой ва маккажўхори унлари киритилганда эса мос равишда 3.0 ва 2.75 ни ташкил этди.

Тадқиқ қилинаётган унларнинг антиоксидант хусусиятларини баҳолашда қон зардобиддаги липидларнинг пероксидланиши (ЛПО) маҳсулотларини аниқлаш орқали баҳоланди (8-жадвал).

8-жадвал

Экспериментал гиперлипидемияда каламушларнинг антиоксидант тизимига амарант унининг таъсири ($M \pm m$, $n=10$)

Гуруҳлар	Унлар	МДА	ДК	Кетонлар	Каталаза	Фибриноген
		мкМ/мл дақиқа	ОБ/мл.	ОБ/мл дақиқа	мКат/дақиқа	мг/дл
1 интакт		2.67±0.15	5.68±0.17	3.34±0.5	0.570±0.3	387±12.0
2	Гиперлипидемия + сув	4.03±0.25 +51%#	7.17±0.18 +26%#	3.81±0.5 +14%	0.346±0.5 -29%	892.3±11.3 2.3# марта
3	Амарант	3.32±0.18 -17%	5.65±0.16 -21%	3.472±0.5 -8.9%	0.418±0.3 +21%*	509.5±10.1 1.75* марта
4	Буғдой	3.62±0.27 -10%*	5.9±0.37* -17.7%	3.61±0.2 -5.0%	0.39±0.02 +11%*	615.8±10.2 1.45* марта
5	Маккажўхори	3.68±0.29 -8.7%*	6.1±0.17* -15%	3.674±0.5 -3.7%	0.38±0.01 +8.6%*	619.8±10.2 1.44* марта

* –назоратга нисбатан ишончли ($p < 0.001$); # – интакт гуруҳга нисбатан ишончли ($p < 0.001$)

Олинган натижалардан назорат гуруҳи каламушлари қон зардобидда малон диальдегидининг (МДА) миқдори 51%, диен конъюгатларининг (ДК) миқдори эса 26% ортди. ЛПО жараёнига параллел равишда каталаза ферментининг фаоллиги 29% камайиб, фибриноген миқдори 2.3 марта ортди.

Амарант уни қўлланилган гуруҳда МДА миқдорини назорат гуруҳига нисбатан 17%, ДК миқдори 21% камайди (8-жадвал). Буғдой ва маккажўхори унлари

қўлланилиши МДА миқдори мос равишда 10 ва 8.7% га, ДК миқдори эса 17.7 ва 15% камайишига олиб келди. Каталаза ферменти фаоллиги амарант уни таъсирида назорат гуруҳига нисбатан 21% ортган бўлса, буғдой ва маккажўхори унлари таъсирида мос равишда 11 ва 8.6% гача қайта тикланди. Фибриноген миқдори амарант уни таъсирида 1.75 марта, буғдой ва маккажўхори унлари киритилганда эса мос равишда 1.45 ва 1.44 марта пасайганлиги кузитилди.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, амарант унининг киритилиши экспериментал гиперлипидемия моделидаги ҳайвонларнинг патологик ҳолатни назорат гуруҳига нисбатан максимал яхшиланишига олиб келди.

Олинган натижалар «SIFAT AGRO SERVIS» МЧЖ билан ҳамкорликда «БИО ДАРМОИ» номли капсула шаклидаги биологик фаол қўшимча ишлаб чиқариш учун асос бўлди ва уни ишлаб чиқариш учун ЎзР ССВ нинг рухсатномаси олинди.

ХУЛОСАЛАР

1. Илк бор Андижон вилояти иқлим шароитига мослаштирилган *Amaranthus cruentus* Гелиос ва Харьков 1 ҳамда *Amaranthus hypochondriacus* – Лера ва Андижон навли амарант уруғларининг ёғдорлиги, оксил, витамин, аминокислота ва углевод миқдорлари ҳамда фармакологик хусусиятлари буғдой ва маккажўхори унларига нисбатан юқори эканлиги билан изоҳланади.

2. На-ДДС-электрофорези натижасида амарант унлари таркибида жами 15 та оксил доғлари аниқланиб, уларнинг молекуляр массалари 8 кДа дан 66 кДа гача эканлиги кўрсатилган бўлса, хромато-масс-спектрометрия усулида унларнинг таркибида жами 34 та оксил мавжудлиги исботланди.

3. Илк бор амарант оксилларининг триптик гидролизати таркибидан рух ионларини боғловчи иккита пептид ажратиб олиниб, уларнинг бирламчи тузилиши аниқланди. Ажратилган пептидлар учун тегишли бўлган оксиллар идентификация қилиниб, SWISS-MODEL таҳлил дастури асосида оксилларнинг фазовий тузилишини 3D модели яратилди. Ажратилган пептидларнинг антирадикал фаолликлари аниқланди.

4. Амарант уни таркибида эркин ҳолда учрайдиган алмашинмайдиган аминокислоталар буғдой унидагига нисбатан: лизин ва аргинин 5, изолейцин 4, фенилаланин, метионин, лейцин, гистидин ва валин 2, триптофан 1,5 марта кўп эканлиги аниқланди. Оксиллар таркибидаги алмашинмайдиган аминокислоталарнинг умумий миқдори амарант унида (52.72%) буғдой (31.98%) ва маккажўхори (40.61%) унларидагига нисбатан мос равишда 1.65 ва 1.3 марта кўп эканлиги билан изоҳланади.

5. Амарант уни яқкол антигиперлипидемик ва антиоксидант фаолликка эга эканлиги аниқланиб, унинг асосида “SIFAT AGRO SERVIS” МЧЖ корхонаси билан ҳамкорликда “БИО ДАРМОИ” номи билан капсула шаклидаги биологик фаол қўшимча ишлаб чиқилди ва амалиётда қўллаш учун тавсия этилди.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019. К/В. 37.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ
БИООРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ

ИНСТИТУТ БИООРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ

ОЛИМЖОНОВ ШУХРАТЖОН СОЛИХЖОН УГЛИ

ХИМИЧЕСКИЙ СОСТАВ ПРОДУКТОВ ПЕРЕРАБОТКИ СЕМЯН
АККЛИМАТИЗИРОВАННЫХ СОРТОВ РАСТЕНИЯ *AMARANTHUS* И
СОЗДАНИЕ НА ИХ ОСНОВЕ БИОЛОГИЧЕСКИ АКТИВНЫХ ДОБАВОК

02.00.10 - Биоорганическая химия

АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2019.3. PhD/К244.

Диссертация выполнена в Институте биоорганической химии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.biochem.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Зиявитдинов Жамолитдин Фазлитдинович**
доктор химических наук

Официальные оппоненты: **Бобоев Бахром Нуриллаевич**
доктор химических наук, с.н.с.

Рахманбердыева Раъно Каримовна
доктор химических наук, с.н.с.

Ведущая организация: **Ташкентский фармацевтический институт**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2021 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12. 2019.К/В.37.01 при Институте биоорганической химии (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел.: 71-262-35-40, факс: (99871) 262-70-63.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института биоорганической химии (зарегистрировано под № ___). (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел.: 71-262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: shsha@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан: «___» _____ 2020 г.
(реестр протокола рассылки № «___» от _____ 2020 г).

Ш.И. Салихов
Председатель Научного совета по присуждению
учёных степеней, д.б.н., академик

Ш.А. Шомуротов
Учёный секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней, д.х.н.

М.Б. Гафуров
Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению учёных степеней, д.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире, в последние годы, развитие биоорганической химии и биотехнологии тесно связано с изучением химического состава растений, выделением индивидуальных веществ, изучением их структуры и биологической активности, а также внедрением их в производство. Основная часть используемых в медицинской практике лекарственных средств выделяются из растительного сырья. Биологически активные соединения, выделенные из растений, обладают преимуществом низкой токсичности, легкой усвояемости по сравнению с синтетическими аналогами. Поэтому, выделение биологически активных соединений из растений, установление их структуры и биологической активности, а также создание новых эффективных лекарственных средств для медицины на их основе является актуальной.

В настоящее время, в связи с повышением глобальной температуры и нарушением экологического равновесия, Узбекистан испытывает нехватку воды, что вызывает повышение солёности посевных площадей. Это, в свою очередь, подчёркивает необходимость выращивания растений, устойчивых к стрессовым условиям, требующих меньше воды и востребованных в различных отраслях экономики. Одним из таких нетрадиционных растений является семейство *Amaranthus*. До 1930-х годов растения семейства *Amaranthus* использовались в декоративных, пищевых и технических целях. Позже, после открытия очень важных для человеческого организма сквалена и токоферолов в масле, извлекаемом из его семян, интерес учёных к этому растению значительно вырос. На сегодняшний день в семействе амаранта обнаружены вещества, обладающие противовоспалительным, гепатопротекторным, антидиабетическим, антигиперлипидемическим, пролиферативным, противогрибковым, а также радиопротекторным и сперматогенным свойствами.

В нашей стране достигаются определенные научные и практические результаты, в части адаптации растений *Amaranthus* к климатическим условиям Средней Азии, выращивании новых сортов и их переработки. В частности, изучение химического состава, биологической активности и фармакологических свойств продуктов переработки семян амаранта, адаптированных в климатические условия республики, их внедрение в различных отраслях народного хозяйства является актуальной задачей. В связи с этим 4-м направлением Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан «По дальнейшему развитию фармацевтической отрасли, совершенствованию обеспечения населения и медицинских учреждений дешевыми, качественными лекарственными средствами»² определены важные задачи. Таким образом, создание конкурентоспособных на мировом рынке антибактериальных препаратов на основе местного сырья является актуальной.

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы».

Данная диссертационная работа может послужить решением задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-4575 от 28 января 2020 года «О мерах по реализации задач, поставленных в Стратегии развития сельского хозяйства на 2020-2030 годы в 2020 году», в Постановлении Кабинета Министров от 13 мая 2020 г. № 282 «О совершенствовании деятельности Центра испытаний сортов сельскохозяйственных растений, создании Национального банка генов сельскохозяйственных растений», а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

